Ушбу сонда:
2 ТИРИКЛАР ОЛДИДАГИ ФАРЗ
3 Янгилик! ЯККА ТАРТИБ ИШЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҲИМОЯСИДА
4 Жаҳон чемпионати: еттинчи гурух ҒАЛАБА ҲАМИША ЁҚИМЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ ВАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 май, чоршанба №71 (1085)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

# 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



## САНЪАТ КОШОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШУВ

**8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент давлат консерваториясининг пойтахтимизда қад ростлаётган янги биноси қурилиши ҳамда Ҳамза номли театридаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишди**

Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси пойтахтимиз кўркига кўрк қўшувчи муҳташам иншоотлардан бири бўлади. Айни пайтда унда мингдан ортиқ бинокор фаол меҳнат қилмоқда. Консерваториянинг янги биноси эскисидан анча катта - 600 талабага мўлжалланган. Унда 45 та махсус мусиқа аудиторияси, 40 та ўқув хонаси, тўртта концерт зали бўлади. Келгусида бу ерда мусиқий тарбияга йўналтирилган лицей очилиши ҳам кўзда тутилган. Консерватория замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, унинг фойесини кенгроқ ва баландроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

- Бундай санъат кошонасига кирган кишини, аввало, фойенинг гўзаллиги ва салобати ўзига тортмоғи лозим, - деди Президент. - Чунки у оддий иншоотлардан эмас. Шунинг учун уни бунёд этишда бугунни эмас, келажакни ҳам кўзлаб иш тутмоқ лозим.

Дунёда энг яхши орган мусиқа асбоблари Германияда ясалади. Консерватория учун ҳам бу мамлакатдан иккита орган олиб келиниши режалаштирилган. Президентимиз уларни ўз вақтида келтириш, залларда аккустиканинг юксак даражада бўлишини таъминлаш учун ҳозирданоқ ишга киришиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз театрларининг энг тўнғичи саналмиш Ҳамза театри биноси айни пайтда деярли қайтадан қурилмоқда. Тўла таъмирлаш жараёнида унинг фақат баъзи девор қисмлари сақлаб қолинди, холос.

Давлатимиз раҳбари иншоот қурилишини кўздан кечирар экан, уни бўяшда мовий ва оқ рангларни кўпроқ ишлатишга эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Негаки, бундай ранглар кошонага ўзига хос чирой бағишлайди, уни янада маҳобатли кўрсатади.

- Театрнинг безатилишига нозик дид билан ёндашмоғимиз керак,- деди давлатимиз раҳбари.- У - Ўзбекистондаги барча театрларнинг отаси. Унда миллий театр руҳи акс этиб туриши лозим.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Суратда: танишув пайтидан лавҳа.***

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**





***Нуроний отахон ва онахонлар нафақат ўз хонадонларининг, балки мамлакатимизнинг кўрки, шукуҳидир. Уларнинг дуоларидан эл-юрт обод, мамлакат кудратли бўлади. Оталаримиз жасорати ва фидойилиги, Ватанга, миллатга садоқати ёшларга ҳамиша ўрнак. Айниқса уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган табаррук инсонлар миллий ғурур, миллий онг тушунчаларини, эл-юртга садоқат туйғуларини тейран англайдилар.Зеро,озодликнинг қадрига етмоқни, бир-биримизни қадрламоқни, Ватан, халқ манфаатини юрак тўрида асрамоқни улардан ўрганамиз.***

## ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ...

Мустақилликнинг бугунги фарахбахш кунларига кимлар етди-ю, кимлар етмади. Республикамиздан Икинчи жаҳон урушида қатнашган 1 миллион 500 мингга яқин ўғлонларнинг қарийб 450 мингга яқини жангоҳларда ҳалок бўлдилар. Дунёда адолат ва ҳақиқатнинг улкан ғалабасида ўзбек баҳодирларининг ҳам ҳиссаси катта. Фахрийларимиз Президентимиз кўрсатаётган меҳрибонликлардан беҳад мамнун бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Ўз навбатида фахрийлар давлатимиз манфаатлари йўлида хизмат қилиш, унинг иқтисодий қудрати, маънавий салоҳиятини равнақ топтириш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида куч-қудратларини аямаяптилар. Фахрийларимиз орасида одамларга эзгулик, яхшилик улашаётган азиз инсонлар жуда кўп.

Нуронийларимиз саъи ҳаракати ила ўтган йили республикамизда минглаб оилавий ва хотира боғлари барпо этилди. Жамғарманинг Зомин тумани бўлими ташаббуси билан «Нуронийлар боғи» ташкил этилди. Ғаллаорол туман марказида Салоҳиддин бобо Назаров ўз маблағи ҳисобидан 2 гектарлик боғ барпо этди.

Одамларга меҳр-саховат, муҳтожларга мурувват кўрсатиш, қарияларни эъзозлаш, халқимизнинг азалий қадриятлари ҳисобланади. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимлари ҳокимликлар билан биргаликда эзгу ишларни амалга оширмоқдалар. Уруш қатнашчилари ва ногиронларига, меҳр-мурувватга муҳтож нуронийларга мақсадли моддий ва маънавий ёрдамлар уюштирилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат бюджетидан 6 минг сўм миқдорида байрам совғалари тақдим этилиши ҳам инсонпарварлик ва саховатнинг бир кўринишидир.

Фахрийларимиз нафақат байрамларда, балки ҳамиша ҳурмат-эҳтиромга, эъзозга, таҳсину рағбатга лойиқ зотлардир. Жамғармамиз нуронийларга янада меҳрли, янада мурувватли бўлишни, ўз ишининг дастуриламалли деб билади.

**Эркин БОҚИБОЕВ,**
**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси.**

## ОНАЛАР ДУОСИ ДУНЁНИ АСРАР

Барча Оналарнинг тилаги битта: дунё тинч, фарзандлар омон бўлсин. Онаман, тўққиз фарзандим, ўнлаб невараларим толеида Ватаним — Ўзбекистоним осойишталигини кўраман.

9 май куни фарзандларимнинг бари жамулжам бўлишади. Уруш фахрийси отажонларини ёд этиб, яхши фазилатларидан сўзлашади. Уч йилдирки, раҳматли оталари дунёдан ўтган бўлса ҳам, гул кўтариб келишни канда қилишмайди. Бу байрам сизнинг ҳам байрамингиз дейишади. Аслида бу гапда жон бор. Бизнинг болалигимиз урушга тўғри келди. Эрта улғайдик, меҳнатга эрта кўникдик. Эҳ-ҳе ўша кунлар ёди, қанчалик даҳшатли эди. Кунора бир қорахат дилимизни вайрон этар, хадик, хавотир исканжасида яшардик. Кечалари жангчилар учун камзул, қўлқоп, пайпоқ тикиб, тўқиб чиқардик. Уйимиздаги туршак, ғалла, жийда, олма, анор борми, жангчиларга илиниб, фронтга юборардик. Ҳатто онажоним энг қимматбаҳо билакузук ва зиракларини ҳам қурол-яроғ олиш учун топширдилар.

Ҳа, душманга қарши кураш фронт ортида ҳам давом этди. Ўзига тўқ хонадонлар ота-онаси урушда ҳалок бўлган етим болаларни асраб олишарди.

Уруш даҳшат эди. Мен бу даҳшатни турмуш ўртоғим Бафо Саксонов билан ҳар кун, ҳар лаҳза кўриб, ҳис қилиб яшадим. У кишига ҳатто тушларида ҳам уруш тинчлик бермасди...

Оналар дуоси дунёни асрайди, дейдилар. Ҳар куни дунёга тинчлик тилаб тонгни қаршилайман. Тинчлик-тотувлигимизга раҳна солмоқчи бўлган ғаниларни Она бўлиб қарғайман. Илоҳим, Оналар фақат фарзандларини дуо қилиб, невараларнинг бешигини тебратиб, фарзандлар камолини кўриб яшасинлар.

**Норбегим САКСОНОВА,**
**меҳнат фахрийси, 80 ёш.**

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Японияннинг Гои Тинчлик жамғармаси вакиллари тинчлик рамзи сифатида жамғарма томонидан таъсис этилган 10 та тинчлик устунини Самарқандга олиб келди. Улар аэропорт, вокзал, туризм коллежи, 10-меҳрибонлик уйи, давлат музей қўриқхонаси, Ургут шаҳридаги марказий истироҳат боғи ҳудудларида қад ростлайди. Шунингдек, делегация аъзолари Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб, у ерларга ҳам худди шундай устунлар ўрнатади.

## ТИНЧЛИК УСТУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ушбу устунларнинг дастлабки намунаси Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳига ўрнатилган. Улар ҳозир дунёнинг кўплаб мамлакатларида қад ростлаб турибди. Устунларнинг тўрт томонига «Дунёда инсониятга тинчлик бўлсин!» деган битиклар турли тилларда ёзиб қўйилган. Тинчлик ва барқарорлик йўлини танлаган Ўзбекистон дунёдаги барча тинчликсевар элларнинг ҳурматига лойиқ эканлигини делегация аъзолари алоҳида эътироф этди.

**(ЎзА).**

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

***Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.***

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

10 май куни Олий Мажлисда соат 13.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.00 да «Фидокорлар» миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

## ХАТИРЧИ ТАЪЗИМИ

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номидаги агрофирманинг «Тасмачи» қишлоғида хотира мажмуи бунёд этилди. Унда фарзанди фронтга кетиш олдидан тишлаган нонни бағрига босганича ўтганларни хотирлаб, келажак авлодга нурли йўл истаб турган мунис она сиймоси акс этган ёдгорлик ўрнатилди. Таниқли ҳайкалтарош Умрзоқ Шарипов раҳбарлигида барпо этилган мажмуанинг меъморий деворларида 210 нафар тасмачилик шаҳидлар номи зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Ушбу хотира мажмуининг қурилиш-монтаж ишларига 8 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Хотира мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Навоий вилоят ҳокими Ғ.Дилов сўзга чиқди.

Шу куни иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз, юртимиз, миллатимиз шону-шуҳратини оламга таратган бобокалонларимиз хотираси эҳтиром билан ёд этилди.

## ФАХРИЙЛАР ИЗЗАТДА

**Республика касаба уюшмалари табаррук инсонларни эъзозлашга оид кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда**

***Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъати бу байрамга тайёргарликни анча илгари бошлаган эди. Хусусан, қўшма қарор қабул қилиниб, махсус дастур ишлаб чиқилди. У Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тармоқ ташкилот ва корхоналарига юборилди.***

Тадбирга иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кўп йиллардан бери тармоқда меҳнат қилиб келаётган илғор аёллар, ишчи ходимлар таклиф этилди. Улар учун тўкин дастурхон ёзилиб, байрам оши берилди, тантана сабабчиларига гилам ҳадя этилди.

— Уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилган отахону онахонлар бизнинг фахримиздир, — дейди Марказий қўмита раиси Тоҳиржон Назаржонов. — Уларнинг бой тажрибалари ёшларимиз учун катта мактаб ролини ўтайди. Шу боис тадбирда кекса авлод билан ёшлар мулоқотига алоҳида эътибор қаратилди. Отаболоб жасоратидан ўрнак олган ўғил-қизларнинг Ватанга садоқатли, мард ва фидойи инсонлар бўлиб вояга етишишларига шубҳа йўқдир.

Байрамга «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси санъаткорлари ижро этган куй ва қўшиқлар янада файз бағишлади.

Шунингдек, тармоққа қарашли республика Радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этган хайрия тадбир ҳам отахону онахонларнинг кўнгилларини тоғдек кўтарди. Тармоқда меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган 13 нафар уруш фахрийси, 30 нафар меҳнат фронти қатнашчиларининг уйларига бориб, ҳолларидан хабар олинди. Бундай эътибордан тўлқинланган нуронийлар дуога қўл очишди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи акциядорлик жамиятида ҳам табаррук инсонлар учун катта байрам дастурхони ёзилди. Бир пиёла чой устида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари самимий суҳбат қурдилар. Тадбирга таклиф этилган уруш қатнашчиларининг ҳар бирига 10 минг сўмдан, қолган иштирокчиларга 5 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Таниқли санъаткорлару ёш ижрочилар ҳадя этган мумтоз ва эстрада қўшиқлари дилларга шукуҳ бахш этди.

Бу каби тадбирлар бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларида кўтаринки руҳда давом этмоқда. Хусусан, Наманган вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ажойиб тантана бўлиб ўтди. Унда «Наманган Телеком» акциядорлик жамияти, «Ўздунробита» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «Юнител» шўъба корхонаси, «Телеком-Тек» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида меҳнат қилган табаррук кишилар муҳандис-техник ходимлар иштирок этдилар. Уларни вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари Кенгаши, вилоят телерадиокомпанияси вакиллари самимий муборакбод этдилар.

Тадбирда 7 нафар уруш қатнашчиси, 24 нафар меҳнат фахрийларига алоқа корхоналари ва касаба уюшмасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Алоқа соҳасида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб келаётган инсонлар, уруш қатнашчилари ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўлларидан ҳикоя қилдилар.

Фарғона вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитасига қарашли «Фарғона Телеком» очиқ турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 42 нафар уруш қатнашчиси, 8 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийларга байрам совғалари ва моддий ёрдам ажратилди.

**М. ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.***

**Ислом КАРИМОВ**

# ТИРИКЛАР ОЛДИДАГИ ФАРЗ

***У яшаган йилларни оқсоч дунё ёши олдида капалак умрига қиёс қилиш мумкин. Капалакки, камалак рангидан ҳам зиёда ранг-баранглик билан инсон ақлини лол қолдиради. У гулларга, кўрганда кўзлар, ёд қилганда диллар қувонадиган гулларга ошуфта. Турфа рангда товланувчи қанотларини пирпиратиб учаётган капалакларни, бор гўзаллиги билан сизга пешвоз чиқаётган гулларни эслаганингизда қалбингиз қувончдан энтикади, юзингизда баҳорий илиқлик намоён бўлади...***

Тарихнинг ўзидек кўҳна, ҳур замонамиздек навқирон Бухоро халқи шуурида мангуга муҳрланган Раҳимжон Азизовдан ҳам ана шундай ширин хотиралар, хайру саховатга йўғрилган ишлар қолди.

Нафсиламбрини айтганда, Раҳимжон ака таваллуд топган хонадон сахийлик, меҳр-мурувват кўрсатиш, инсонийлик бобида ҳам намуна эди. Оиладаги катта-ю кичик эҳсон деган сифатни абадий саодат деб билишарди. Ана шундай гўзал инсоний фазилатлар қарор топган оилавий муҳитда ўсиб-улғайган Р.Азизов ўз хулқи-одоби билан ёшлигиданоқ эл назарига тушди. Самарқанддаги нуфузли институт таҳсилини олиб, мутахассис бўлган Раҳимжон Бухоро марказидаги умумий овқатланиш трестида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Билимдон, изланувчан мутахассис тез орада жамоа назарига тушди. Тизимга қарашли корхоналар фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўнлаб қандолатчилик цехлари барпо этилиб, уларда миллий ширинликлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ҳам янги босқичга кўтарилди.

Шарқу-ғарб меъморчилик санъатини уйғунлаштирган ҳолда қад ростлаган ҳамда кўрку таровати билан бир-биридан қолишмайдиган ўнлаб объектлар фойдаланишга топширилди.

Истиқлол берган имконлар «Бухоросавдо» компаниясининг ёш раисига толмас қанот бағишлади. Тўсатдан келган дард ҳам ташаббускор йигитнинг орзулари йўлига тўғоноқ бўла олмади.

— Эрта-ю кеч халқ хизматида бўлиб, ёниб яшаганлар ҳали тириклигидаёқ ўзларига ҳайкал қўйишга улгуради, — дея эслайди меҳнат фахрийси Омон Солиҳов. — Назаримда, Р.Азизов ана шундай инсонлардан бири эди. Гарчи у қисқа умр кўрган бўлса-да, жуда кўп иш қилишга улгурди.

Раҳимжон ака барчага бирдек меҳр кўргазарди. У айрим одамларга ўхшаб нафс кетидан қувмади, аксинча, топган-тутганини дўстлари, маҳалладошлари билан бирга баҳам кўрди. «Дунёга тенг шараф олиб яшамоқ учун, — дерди у, — инсон мудом етим-есир, бева-бечоралардан кўнгил сўраб туришни канда қилмаслиги лозим. Эҳсон қилиш, мурувват кўрсатиш азал-азалдан умр зийнати бўлиб келган-ку, ахир!»

— Раҳимжон меҳри дарё, бағри кенг инсон эди, — дея хотирлашади нуронийлар. — У беморлар, кўзи ожизлар, етим-есирлар ва қариялар уйларидаги кексалар ҳолидан хабар олишга ҳамиша вақт топарди. Эзгуликни қалбига эш қилган бу инсон шахсий жамғармасидан хайру эҳсон қилиб туришни унутмасди. Бундай инсонларни хотирлаш, улар номини бот-бот ёдга олмоқ биз тириклар олдидаги фарздир.

**Темир ҚУРБОН,**
**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**



Оловли йилларда элим, юртим, жигарларим деб жангга кирган, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган табаррук инсонларни ҳар қанча эъзозласак оз. Яқинда Шайхантоҳур туманидаги шу ном билан аталадиган маҳаллада уруш фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. 43 нафар собиқ жангчи ўзбек ўғлонларининг уруш йилларидаги мардлиги, садоқати ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди.

**Суратларда: «Хотира» мавзуида ўтказилган учрашув иштирокчиларидан бир гуруҳи.**

# ОЗОД ВАТАН ҚОЛУР АВЛОДЛАРИМГА

*Жаҳонга фашизм даҳшат солганда,*
*Улуғ халқ қўлига қурол олганда,*
*Аждодлар даҳоси, истиқлол ҳақи,*
*Авлодлар иқболи, истиқбол ҳақи,*
*Сафдошлар бирла мен жангга киргандим,*
*Сафдошлар бирла мен ёвни қиргандим.*

*Ватан умуртқаси, юрагидир халқ,*
*Тинчлигу тотувлик тирагидир халқ,*
*Ушбу халқ бирла мен енгдим ҳар сафар,*
*Ушбу халқ бирла мен бўлдим музаффар.*
*Халқ бирла тикладим вайроналарни,*
*Халқ бирла яратдим кошоналарни...*
*Ғариблар қаддини кўтардим азот,*
*Отасиз гўдаклар кўнглин қилдим шод.*
*Иймони бутларга эмақдош бўлдим,*
*Дўстларга меҳрибон, кўмакдош бўлдим.*
*Ўзлигим дардига ахтардим малҳам,*
*Англадим ўзлигим тарихини ҳам...*
*Бағри кенг юртимда тотувлик мавжуд,*
*Шу Ватан ичра тинч яйрар ҳар вужуд.*
*Ҳақсевар Ватаним —ажойиб бўстон,*
*Ўнгимда намоён ҳур Ўзбекистон.*

*Юртим, келажаги буюклик билан,*
*Оламни ром этди етуклик билан.*
*Иймонимда Ватан, буюклиги ҳам,*
*Иймонимда Ватан, етуклиги ҳам.*

*Жаҳонга юз тутдим ўғлони бўлиб,*
*Заҳматкаш ишчиси, деҳқони бўлиб,*
*Маънавий ҳаёти мезони бўлиб,*
*Омонлик элчиси —посбони бўлиб...*
*Нажот-ижод-бахтим ўз меҳнатимдан,*
*Ҳайратланар жаҳон шон-шуҳратимдан.*
*Иймонимда Ватан, истиқлоли ҳам,*
*Иймонимда Ватан, истиқболи ҳам.*
*Нурафшон истиқбол товланур мангу,*
*Орзиққан кўнгиллар овланур мангу.*

*Иймонимда Ватан —буюк ҳур диёр,*
*Иймонимда Ватан —етук ҳур диёр,*
*Озод Ватан қолур авлодларимга,*
*Обод Ватан қолур авлодларимга.*

***Машраб ОРТИҚХЎЖАЕВ,***
***иккинчи жаҳон уруши ногирони.***

# «БОҒИ ЭРАМ» ОТАХОНЛАР ХИЗМАТИДА

***Пойтахтимизнинг «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғи Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 9 Май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб катта байрам тадбирларини ташкил этди.***

Тантаналарга уруш қатнашчилари ва ногиронлари, турмушнинг пасту баландини бошидан кечирган кекса отахону онахонлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари таклиф этилдилар. Улар ёшларга ҳаёт тажрибаларидан ҳикоя қилиб бериш билан бирга Ватаннинг ҳар бир қарич ери муқаддаслиги, шу боис унга доимо содиқ бўлиш, халол хизмат қилиш ва асраб-авайлаш ҳар бир ўғил-қизнинг фарзандлик бурчи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир иштирокчиларига «Боғи эрам» гуруҳи ва туман маданият уйлари қошидаги дасталар катта концерт дастурини намойиш этдилар.

**М. ДАВРОНОВА.**



**И.ҲАСАНОВ ва Ш.СУЛТОН олган суратлар.**

## ИЗЛАРИНГИЗ ИЗЛАЙМАН
**(қатра)**

Хаёлим олис хотираларим уммонига ғарқ бўлади. Надомат тўла тубсизлик орасидан Сизни изладим, азиз Отажон...

Нурли юзингиз ўйларим оламида худди қуёш нурларидек намоён бўлди. Соғинч исканжасида қолган қалбим бутун борлиғи билан Сизга талпинди. Аммо... Меҳр тўла кўзларингизга жовдираганча, эндигина бағрингизга бошим қўяман деганда, меҳрингизга ташна қалбим ҳайқириғидан огоҳ тортаман. Эй воҳ, бу ҳайқириқ шу қадар кучли эдики, гупиллаб ураётган юрагим зарбидан бутун вужудим титрарди. Бир лаҳзалик хаёлий учрашувдан шуни ҳис қилдимки, энди бу ёруғ дунёда Сизнинг дийдорингизни кўриш умиди тоабад рўё бўлиб қолаверади.

Назаримда, Ота деб аталмиш бу муқаддас сўз сеҳрини энди тушуниб етгандайман. Баъзан кечалари сизни соғиниб ,«қизим» деб мулойимгина эркалашларингизни бот-бот эшитгим келиб, ухлолмай чиқаман...

Отажон, энди фақат хаёлан ёки тушларимдагина кўришим мумкинлигидан сўнгсиз изтиробга тушаман. Сиздек меҳрибонимни юлқиб олган ўша жароҳат етказган қалбим оғриқларидан бўзлайман.

Бу дунёнинг вафоларигина эмас, ситамлари ҳам кўп экан. Умр ўтмокда, вақтни эса табиб дейишади. Унинг малҳамларига ярадор кўксимни тутганча, Сиз хаёлларимга муҳрлаган ўша гўзалликка ошно бўлиб яшайман. Она-Ватанни, Ҳаётни Сиздек севишга, ҳамиша эзгуликка интилиб яшашга ҳаракат қиламан.

**Раъно СОБИРЖОН қизи.**

## НОМИНГ ШАРАФЛАРГА БИТДИНГ

**Сариосиё тоғида 26 ёшида ҳалок бўлган укам Акбар Эсановнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.**

*Ҳовлимизда укажоним юрмас энди,*
*Дадажонин Аҳроржоним кўрмас энди,*
*Дўстларинг ҳам сени қайтиб кўрмас энди,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*
*Ватанимда тинчлик бўлсин дея келдинг,*
*Элу юртнинг оромини сақлай билдинг.*
*Аммо нечун кетишингни жадал қилдинг,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*
*Ўн битта деб айтар эдик бағри бекам,*
*Қаторимиз буздинг ўзинг, жоним укам.*
*Икки боланг кўча пойлар, кутар ҳар дам,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*
*Ўн гулингдан бир гулинг ҳам очилмади,*
*Куёв тўнинг эскириб, чанг қоқилмади.*
*Ватан недур — сен билдингу, ёв билмади,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*
*Ватан дея кўкрагингни ўққа тутдинг,*
*Қутлуғ қонинг ила халқинг кафтда тутдинг.*
*Ўз номингни шарафларга мангу битдинг,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*
*Мана яна баҳор келди, билмай қолдим,*
*Ғунча гулга айланди-ю, қўлга олдим.*
*Вақт дегани таскин экан, дилга солдим,*
*Укажоним, жаннатларга шошилдингми?*

*Зуҳра ЭСАНОВА,*
*Шарғун шаҳридаги 2- истеъдодли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси.*

# БЕТИМСОЛ ҚАЛАМ СОҲИБИ ЭДИ

***Мана неча кундирки Маҳмуд аканинг хонасига кира олмайман. Кирсам, у киши беозорлик билан сурат чизиб ўтиргандек. Маҳмуджон аканинг иш столи ҳануз у кишини кутиб ётибди. Хокисор инсон, истеъдодли мусаввир Маҳмуд ака Жўраев бу дунёни ташлаб кетди.***

***Ҳар гал хоналарига кирсам, чизаётган суратларини кўрсатиб, унинг тарихидан сўз очардилар.***

—Чингиз Аҳмаров билан Шайхзода домла жуда яқин дўст бўлишган. Домланинг «Мирзо Улуғбек» драмаси саҳнага қўйилганда Чингиз ака унга суратлар чизган. Бу икки буюк инсоннинг суҳбатлашаётган пайтлари. Чингиз менга устозлик қилганлар. Ҳозир шу суратни қоралаб ўтирибман.

—Жуда ўхшабди. Худди уларнинг суҳбатларини эшитгандек бўляпман.

—Шайхзода домла жуда бағрикенг, жаннатий инсон бўлган.

Негадир сўнгги кунларда Маҳмуд ака устозларини кўп эсларди. Миниатюра услубида уларнинг бир талай суратларини чизишганди.

Ҳар куни ишга келаётганларида, одатларини тарк этмаган ҳолда, хонамизга кириб, ҳолаҳвол сўраб ўтарди. Бир куни девордаги суратни кўрсатиб:

— Шуни менга берсангиз, - деб қолдилар.

— Майли, олинг, - дедик.

Эртасига Маҳмуд ака гўзал бир суратни олиб кирдилар.

— Мана буни ўша суратнинг ўрнига осиб қўйинг. Навоий ҳазратларининг дўстлари даврасидаги сурати...

Авжи баҳор пайти. Алишер Навоий қўлларида соз, атрофида оҳулар кезиб юрибди. Суратдаги ранглар бир-бирига мутаносиб. Гўё кўз олдингизда Навоий ҳазратлари соз чалиб тургандек. Суратнинг орқасига чиройли дастхат битилган: «Алишер Навоий мусиқа назариясини билишдан ташқари, ўзлари ҳам куйлар ижод этган эди. Бу ҳақда етарли тарихий маълумотлар бор. Навоий ўша вақтларда маълум ва машҳур бўлган кўпгина куйларнинг муаллифи эди. Ҳазрат мусиқанинг назарий асосларини билмай туриб, яхши шоир бўлиш қийин дер эдилар.

Мусаввир Маҳмуд Жўра. 2000 йил, май».

Демак, ушбу суратни Маҳмуд ака ўтган йили чизганлар.

Бу йил яна ўлкамизга баҳорнинг энг гўзаллик ойи — май ташриф буюрди. Минг афсуски, ҳассос мўйқалам устаси Маҳмуд Жўраев орамизда йўқ. Маҳмуд акадан мерос бўлиб фарзандлари, яхши сўзлари ва портрет жанрида моҳирона ишланган суратлари қолди.

Суратларга кўзим тушганда, у кишининг овозини эшитгандек бўламан. Гоҳо ишдан қайтаётганларида, хайр-хўшлашгани кириб, биз билан суҳбатлашиб ўтирардилар. Мақолаларимиз ҳақида илиқ фикрларни айтиб, кўнглимизни кўтаришни ҳам унутмасдилар.

Бир сафар журналда ишлайдиган танишларимиздан бирига Алишер Навоийнинг Камолиддин Беҳзод билан суҳбатлашиб турган пайти акс эттирилган суратини олиб бердим. Бу асарни Маҳмуд ака жуда қатта меҳр билан чизган эдилар.

—Қалам ҳақини бермасалар ҳам майли. Фақат суратни қайтариб беришса бўлгани, - деб тайинлади у киши.

Мен қайтариб олиб келиш шарти билан суратни олдим. Лекин ваъдамнинг устидан чиқа олмадим. Суратнинг асл нусхасини йўқотдик, деб қайтариб бермадилар. Шунда ҳам Маҳмуджон ака бирон марта таъна қилмадилар. Аксинча, менга ўзлари чизган суратдан совға қилдилар.

Маҳмуд ака ҳақидаги хабарни эшитиб, ишонгимиз келмади. У кишини билган, бирга ишлаган барча ҳамкасблари бу хабарга ишонмади. Ростлигини билгач, яқин жигаридек қайғурдилар. Гоҳо туш пайтлари Суннат ака Сайдалиев билан шахмат ўйнардик. Маҳмуджон ака кулиб:

—Ҳа, ақл машқими, - деб қўяр эдилар. Сўнгра биз шахматни йиғиштираётганимизда, ким ютди энди деб сўрардилар.

Ҳануз Маҳмуджон аканинг хонасига киролмайман. Кирсам, у киши иш столида сурат чизиб ўтиргандек. Назаримда, Маҳмуд ака уни билганлар хотирасида худди ана шундай камтар, камсуқум ва доимо иш билан банд одам бўлиб қолади.

**Абдураҳмон ЖЎРА.**

# ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ҲОЗИРЛИК

Меҳнат аҳли фарзандларини соғломлаштириш Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Яқинда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг «Саломатлик» санаторий-профилакторийсида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бошлиқлари, катта етакчилари ва ҳисобчилари, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар қўмиталарининг масъул ходимлари, қатор бошқармалар масъул ходимлари иштирокида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг семинар-машғулоти бўлиб ўтди. Семинарда болаларни соғломлаштириш ишларининг 2000 йилдаги якунлари ва 2001 йилдаги вазифалари, оромгоҳда молиявий хўжалик ишларини юритиш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни ташкил этиш, оромгоҳни зарур адабиётлар ва кўргазмали воситалар билан таъминлаш ҳақидаги долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш ҳамда уни уюшқоқлик билан мазмунли ўтказишда ушбу семинар муҳим аҳамият касб этади.

**У. ПЎЛАТОВ.**

# ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Пайариқ туманида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаётир. Корхона, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маҳалла қўмиталари раислари томонидан 68 нафар нафақахўр ва ногиронларга 158232 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти эса уруш ногиронлари ва қатнашчиларига 165300 сўмлик беминнат хизмат кўрсатди.

Туман ҳокимининг шу йил 30 январдаги қарорига асосан 24 нафар яккаёлғиз нафақахўр ва ногиронлар электр энергияси ва газдан бепул фойдаланадиган бўлди.

Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси шу йилнинг апрел ойида нафақахўр ва ногиронларнинг 11 нафарига турли сиҳатгоҳларга йўлланма ажратди.

# ҚИШЛОҚДА ТИКУВ ЦЕХИ

Конимех туманининг олис «Қизилқум» ширкат хўжалигида янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Яқинда хўжалик марказидаги тикув цехи кенгайтирилиб, 11 киши янгидан иш жойларига эга бўлдилар. Мазкур цехда ўтган йили чорвадорлар учун 6 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилган эди. Бу йил эса бу кўрсаткич икки-уч баробар ортиши мўлжалланмоқда.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси биргаликда ишлаб чиққан тадбирга асосан аҳолини, айниқса, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда ҳудуддаги барча мактаблар хўжалик ҳисобидан таъмирланди. Ўқувчиларга 50 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Урганчда Жаҳон Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирнинг биринчи соатларидаёқ 70 минг сўмдан ошиқ маблағ тўпланди. Уни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар қўмитасининг ёш кўнгиллилари - 3-сонли мактаб-гимназияси ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ташкил этишди.

Ушбу тадбир муносабати билан ўтказилган қисқа митингда ҳиндистонлик актёр Сахни Паришат сўзга чиқди. Мамлакатимизда бу актёрни «Ўйна, ўйна...» филмидаги роли орқали танишади. Ҳозир у кўҳна Хиванинг музей-қўриқхонасида Бомбейнинг «Умиш-филмз» кинокомпанияси томонидан суратга олинаётган янги кинофилмда иштирок этмоқда. Ҳинд артисти дам олиш куни вилоят марказига тасодифан келиб қолгани ва ушбу савобли ишдан четда туролмаслигини айтди.

Хива ёшлар марказидаги, Қўшкўпир ва Янгиариқ туманларидаги Қизил Ярим Ой жамияти клубларининг аъзолари ҳам шундай хайрия тадбирларини ўтказишди.

**(ЎзА).**

Марғилон азалдан уста-ҳунармандлар, косибу чеварлар шаҳри сифатида донг таратган. Айниқса Марғилон атласининг минг бир жилоси бутун шарқ аёлларининг эгнида ял-ял товланганини айтмайсизми.

Ушбу шаҳарда ўтказилган «Ташаббус-98» кўрик-танловининг ғолибаси Гулбаҳор Сайфутдинова ҳам бугунги кунда Марғилон атласининг донғини янада дунёга достон қилиш йўлида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Унинг Шойи тадқиқот институти қошида ташкил этган «Гулбаҳор» уста-шогирд тикувчилик устахонаси кўплаб моҳир чеварларни ўзига бирлаштирган. Гулбаҳорнинг асосий машғулоти атлас, адрас ва шойидан турли замонавий миллий кийимлар ва безаклар тайёрлашдир.

Дарвоқе, Г.Сайфутдинова шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган «Ташаббус-2000» кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Республика танловида эса энг ёш камолотли «Ҳунарманд» дипломига сазовор бўлди.

**Суратларда: 1. Моҳир чевар Маҳбуба Отажонова. 2. Гулбаҳор Сайфутдинова ўз шогирдлари билан.**

**М.ҚОДИРОВ олган суратлар.**

***Янгилик!***

# ЯККА ТАРТИБ ИШЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҲИМОЯСИДА

***«Нодавлат секторининг ишлаб чиқариш соҳаларида ишловчи ҳар бир киши, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, касаба уюшмаси Низомини тан олувчи, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи шахслар касаба уюшмасига аъзо бўлишлари мумкин».***

***(Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмасининг Низомидан).***

***Яқинда Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг III мажлиси «Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш тўғрисида»ги Низомини маъқуллади. Шу муносабат билан мухбиримиз ушбу Марказий қўмита раиси Чори ШОДИЕВга бир неча савол билан мурожаат қилди:***

***САВОЛ: Касаба уюшмаларидаги янгилик — «Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш тўғрисида»ги Низоми хусусида тушунча берсангиз.***

**ЖАВОБ:** Якка тартибдаги жисмоний шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида алоҳида Низом тузиш маъқул деб топилди. Низом лойиҳаси Ўзбекистон КУФК томонидан ўрганиб чиқилиб, 2000 йилнинг 31 октябр куни маъқулланди. 2001 йилнинг 1 май куни III мажлис қарори билан у қабул қилинди.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмасининг Низомларига биноан ҳудудий тамойиллар асосида тузилади.

Мазкур касаба уюшма ташкилотлари жойлардаги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари), бозорлар маъмурияти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Банкда ўзларининг ҳисоб рақамларини очади, ўз ташкилоти номи қайд этилган муҳрга эга бўлади.

Банкда ҳисоб рақами очилмаган, ўз муҳрига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўзининг молиявий ҳаракатини юқори касаба уюшма ташкилоти орқали амалга оширади.

***САВОЛ: Ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?***

**ЖАВОБ:** Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилади;

фуқароларни тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ўз меҳнатидан манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиб, уларнинг иш фаолиятини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ ишларини амалга оширишда уларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

тадбиркорлар касаба уюшмасининг аъзолари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширади;

тадбиркорларнинг иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини доимий равишда назорат қилади, уларни бу борадаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан таништириб боради;

якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар ўртасида истиқлол ғояларини тарғиб этади, уларнинг маданий, мафкуравий онгини ўстиришга, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган турли оммавий тадбирларни ўтказади;

Юқори касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг қарори билан бошланғич касаба уюшма ташкилотига сиҳатгоҳ, дам олиш масканлари ва болалар оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратилади. Йўлланмалар ажратишда мазкур бошланғич касаба уюшма ташкилотидан юқори касаба уюшмаси қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилган ижтимоий суғурта ва аъзолик бадаллари маблағларининг миқдори ҳисобга олинади.

***САВОЛ: Тадбиркорлар ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш тартиби қандай?***

**ЖАВОБ:** Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилоти, якка тартибда меҳнат қилаётган жисмоний шахсларнинг ёки тадбиркорлар касаба уюшмаси ташкилотларининг ташаббуси билан вилоят, туман, шаҳар тадбиркорлар касаба уюшмаси қўмиталари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, маҳалла қўмиталари ва бозорлар қошида ҳамда митти туман, мавзе, даҳаларда тузилиши мумкин.

Ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилоти камида учта касаба уюшмаси аъзоси бўлган тақдирда тузилади.

Якка тартибда ишловчи тадбиркорларнинг бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузиш ва уни тадбиркорлар касаба уюшмаси таркибига кириши тўғрисидаги қарор уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади ва у касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисоб рақамларига ўтказиб борилади.

Касаба уюшмаси аъзолигида туриб, ишламайдиган нафақахўрлар, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйган шахслар қонун билан белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг бир фоизи миқдорида йилига бир йўла аъзолик бадалини тўлаб борадилар.

Фарзанд туғилгунга қадар ва туғилганидан кейин ҳақ тўланадиган таътиллар даврида, болаларни тарбиялаш бўйича таътиллар муддатида аёллар касаллик варақаси учун олган маблағларидан ҳамда товон тўловларининг бошқа турларидан аъзолик бадаллари тўлашдан озод этиладилар.

Бошланғич касаба уюшма, ташкилоти ҳисобига тушган аъзолик бадалларининг 50 фоизигачаси, юқори касаба уюшма ташкилотининг қарорига биноан, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти эҳтиёжи учун сарфланади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўзлари учун ажратилган маблағларни сарфлашда мустақилдирлар. Маблағлардан фойдаланишда улар юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан тасдиқланган Низом, йўриқнома ва кўрсатмаларга амал қиладилар.

***САВОЛ: Ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилотини тугатиш ва тадбиркорлар касаба уюшмаси таркибидан чиқиш тартиби тўғрисида нима дея оласиз?***

**ЖАВОБ:** Ҳудудий бошланғич касаба уюшма ташкилоти касаба уюшмаси аъзоларининг камида 1/3 қисмининг талаби, юқори касаба уюшмаси ташкилотининг қарори билан ёки касаба уюшмаси аъзолари тарқаб кетган ҳолларда тугатилиши мумкин.

Тадбиркорлар касаба уюшмаси таркибидан чиқиш масаласи касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинади. Касаба уюшмаси барча аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирдагина умумий йиғилиш қарори қонуний ҳисобланади ва юқори касаба уюшмаси раёсатининг қарори билан расмийлаштирилади. Бундай ҳолларда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ижтимоий суғурта ва аъзолик бадалларининг ўтган давридаги тушуми, уларнинг сарфланганлиги ва қарздорлик ҳолатларини акс эттирувчи далолатнома тузилади.

**Суҳбатдош: О.САИДОВ.**

# OLAMDA

Аугусто Пиночетнинг жиноий ишида кутилмаган бурилиш юз берди. Энди уни ҳарбий диктатура вақтида (1973-1991 йиллар) амалга оширилган қатағон ташкилотчиси эмас, балки ушбу жиноятларни яширган шахс сифатида суд қилишмоқчи.

* * *

Жанубий Корея ҳукумати Японияда расмий Токио томонидан тасдиқланган тарих дарслигига ўттиз бешта тузатиш киритишни талаб қилмоқчи. Ушбу дарсликда Япония армиясининг иккинчи жаҳон уруши йилларида истило қилинган ерларда амалга оширган жиноятлари хусусида лом-мим дейилмаган. Расмий Сеулнинг фикрича, дарсликлар мазмуни ЮНЕСКОнинг таълим ва инсон ҳуқуқлари борасидаги 1974 йилги тавсияларига зид келади.

* * *

«Толибон» ҳаракати раҳбарияти халқаро террорчи Усама ибн Лодиннинг АҚШда суд қилиниши эҳтимолини рад этди. Шунга қарамай, толиблар унинг устидан ислом қонунлари ва афғон урф-одатлари бўйича суд ўтказилиши хусусидаги ҳар қандай таклифни ўрганиб чиқишга тайёрлигини ҳам билдирди.

* * *

Македонияда ҳукумат қўшинлари ва албан айирмачилари ўртасида тўқнашувлар давом этаётгани жаҳон ҳамжамиятида қаттиқ ташвиш уйғотмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Нью-Йоркда тарқатилган баёнотида айтилишича, агар вазият тезда назоратга олинмаса, у бутун Болқон минтақаси учун хунук оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Албан айирмачиларининг хатти-ҳаракатларини АҚШ, Россия, Германия каби давлатлар ҳам қоралади.

* * *

Жорий йилнинг октябр ойида Бахрайнда россиялик гроссмейстер Владимир Крамник «Дип-Фритц» компютер дастури билан тахта устида жанг қилади. Буюк Британиянинг «Брэйн геймз нетуорк» компанияси бошқаруви раиси Жереми Ҳэнлининг айтишича, Бахрайн амири ушбу ўйин учун 2 миллион доллар ажратган. Унинг бир миллиони ташкилий ишларга сарфланади. Агар В.Крамник компютерни ютса 1 миллион, дуранг қилса 800 минг, ютқизса 600 минг доллар олади.

* * *

Филиппин армияси мамлакат президенти Глория Арройони қўллаб-қувватлайди ва унга қарши ҳар қандай чиқишларнинг олдини олади. Филиппин ҳарбий маҳкамаси раҳбари Анжело Рейес шуни маълум қилди. У армия генералларининг бир қисми президент Г.Арройони ҳокимиятдан четлатиш мақсадида фитна уюштираётганини рад этди.

**(ЎзА)**

# NIMA GAP

***Бидъат балоси***

# НОЎРИН ГУМОН

## хокисор инсонни жиноятга етаклади

***Халқимизнинг доно сўзлари, ўгитлари бор. «Ўзингга хушёр бўл, қўшнингни ўғри тутма», - дейилади онгимизга чуқур сингган мақоллардан бирида. «Бидъат ва хурофотга ишонаверма, панд ейсан», уқтиришади кўпни кўрганлар. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада юқоридаги мақолу ўгит томчида қуёш акс этгани каби ўзининг ёрқин ифодасини топган.***

...Ўшанда рўзаи рамазон кунлари эди. Узун туманининг Б.Очилдиев номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи 64 ёшли Абдураҳмон Улаев ўз томорқасида одатий ишлар билан машғул эди. Кутилмаганда эшик тақиллади. Чиқиб қараса, қўшниси Абдуҳолиқ турибди.

—Молимиз йўқолиб қолди, - деди у бесаранжом бўлиб. - Мабодо, сизларникига ўтиб қолмадимикан?

Ҳовлисига ҳеч қандай мол кирмаганлигига Абдураҳмон аканинг ишончи комил эди. Шу боис, босиқлик билан: «Киргани йўқ, бошқа жойдан изланг», деб кўя қолди.

Бу гапни нуроний вазмин ҳолатда айтди-ю, лекин кўнглига қандайдир ғашлик соя ташлади. «Молинг меникига кириб қолган бўлса, ўзим етаклаб олиб чиқиб бермасмидим...»

Кўп йиллар туман мудофаа бўлимида ишлаган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Абдураҳмон ака кейинги пайтларда бироз тажангроқ бўлиб қолганди. У маҳалланинг обрўли кишиларидан бири. Саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Бироқ катта хонадоннинг ўзига яраша ташвишлари бор.

Орадан бир соатча вақт ўтди. Эшик яна тақиллади. Хонадон соҳиби чиқиб қараса, энди Абдуҳолиқнинг опаси Зулфия турарди.

— Укамнинг сигири йўқолиб қолди. Сиз томонга ўтмадимикан?

— Йўқ дедим-ку, - иложи борича вазмин гапиришга уринди нуроний. - Ҳозиргина укангиз келиб-кетди-ку.

Зулфия орқасига терс ўгирилганча уйи томон бурилди.

Абдураҳмон ака ховурини босиш мақсадида кўчага отланди. Гузарда ён қўшнининг катта акаси Абдураззоқга рўбарў келди. У нима демоқчи бўлганини дарров тушунди.

— Бу ёққа юр, - дея уни уйи томон бошлади. - Тушундим, уканг Абдуҳолиқнинг моли йўқолибди. Бироқ, қизиқки, мендан гумонсирашяпти. Сен бафуржа кўрамни кўздан кечир. Хотиржам бўлгач, укаларингга айт, бошқа ёқдан қидиришсин.

Шундан сўнг, уй эгасининг кўнгли бироз таскин топди. Афсуски, эрта хотиржам бўлган экан. Бирор соат ўтгач, эшиги ёнида яна Абдуҳолиқ пайдо бўлди.

— Мен фолбинга фол очирдим, - таъкидлади у бесаранжом кайфиятда. - Йўқолган мол сизникида деяпти.

Бу сўзлардан Абдураҳмон аканинг қаттиқ жаҳли чиқди, қон босими кўтарилди. Шунда ҳам ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди.

— Молхонамни ҳозиргина аканг кўриб кетди. Майли, сен ҳам кириб кўр. Лекин мени ўғрига чиқариб чакки қиляпсизлар.

Шундан сўнг, у нима бўлганини яхши эслолмайди. Вужудини жаҳл, норозилик эгаллаганди. Билиб-билмай яқин-атрофда турган пичоқни қўлига олди-да, қўшнисини қувлай кетди... Яралланган Абдуҳолиқ кўчага отилиб чиқди. Шу ерда турган йигитлардан бири Абдураҳмон акани тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Қарангки, ўткир қуролнинг қири беайб йигитнинг билагига тегди. Шифокорлар икки кишига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатдилар.

«Ғазаб - бир оний ақлсизликдир», - деган экан қадимда яшаб ўтган Рим шоири Гораций. Абдураҳмон Улаев шу табаррук ёшида бир оний ақлсизликка йўл қўйди. Ноўрин гумон, ғазаб отига миниш уни жиноятга етаклади.

Шу ўринда кўнгилсиз ҳолга сабаб бўлган ҳолатнинг илдизига чуқурроқ назар ташлайлик. Ўз қадр-қимматини билган, эл-юрт орасида дадил бош кўтариб юрган инсонни кимдир дабдурустдан ўғирликда гумон қилса, у ўзи учун буни ҳақорат деб билиши табиийдир. Биз Абдураҳмон акани сира оқламоқчи эмасмиз. Бироқ келгусида юқоридаги каби нохушликлар юз бермаслиги учун жабрланганлар ҳам ўз хатти-ҳаракатлари билан унга сабабчи бўлганликларини тушуниб етишлари керак.

Ажабланарлиси шундаки, икки кундан сўнг сигир жамоа хўжалиги молхонасидан топилди...

**Равшан РИЗАЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**
**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ҚЎШИҚ СЕҲРИ

## халқ артисти Комилжон Отаниёзов ҳақида бир шингил сўз

***Комилжон Отаниёзовнинг магнит тасмасига ёзилган оханграбо қўшиқларини мириқиб тинглар эканман, беихтиёр санъаткор билан бўлган учрашувларни, у билан боғлиқ воқеаларни эсладим.***

Ижод дамларини - қўшиқни завқ-шавқ билан ижро этган унутилмас лаҳзаларни кўрган, тинглаган, синчковлик билан кузатган онларим кўп бўлган. Ашула шунчалик жозиба, ҳисҳаяжон билан ижро этилар эдики, рақсга тушмаган ҳеч ким қолмасди. Тингловчиларнинг кифти, оёғи, қўллари, гавдаси беихтиёр хонанданинг ашула айтиш маромига мослашарди. Даврага тушиб кетганингни билмай қолардинг. Айниқса, уста раққос ва раққосалар Комилжон аканинг мусиқаси, ашуласи жўрлигида ўз санъатларини намойиш этганларида тенги йўқ, илҳомбахш, ижод нашидасига тўлиб-тошган сирли дақиқалар вужудга келарди.

Комилжон ака файз киритган тўйларнинг бирида хоразмлик хонанданинг ашуласини тинглаб ўтирган Исохор Оқилов дабдурустдан ўрнидан туриб, рақс тушиб кетган, барча хонанда ва раққосни ўраб олган, бир маромда қарсак чалиб олқишлаганди. Машҳур балетмейстер, рақс устаси Исохор аканинг рақслари енгил, ёқимли, ҳар кимга ҳам завқ берадиган юксак даражада эди. Берилиб рақсга тушаётган Исохор ака бирдан даврага йигитларни (қизларни эмас!) тортди. Бир зумда бининг рақси зўр бўлган. Уни эсдан чиқариб юбориш даражасига келиб қолдик. Эркакларнинг ўзига хос - эҳтиросли, эпчил, тез маромда ижро этиладиган рақсларини тиклаш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Комилжон Отаниёзов каби қўшиқни юрак тўлқинлари билан ижро этадиган хонандалар бизга кўмаклашадилар, - деган эди.

Хореография санъатининг яна бир устаси Севилия Тенгуриева ҳам Комилжон аканинг ашуласидан илҳомланган, унинг қўшиқларига бажонидил рақс тушганини тўлқинланиб сўзлаб берди:

— Комилжон Отаниёзов менинг рақсимни Ҳамза номидаги театрда берилган бир концертда кўрган эканлар. Учрашганимизда:

— Телевидение учун учтўрт қўшиғимни ёзиб олишмоқчи. Иштирок этасизми? Бир рақс тушиб берсангиз!... Хоразмча рақс тушишни биласизми ўзи? - деб сўраб қолдилар.

Мукаррама опа ўр-гатган ҳаракатларни кўрсатган эдим «Ҳа бўлади, қўлинг келиб қолибди» дедилар. Тез кунда бир бинонинг каттагина хонасида ашулани айтиб турдилар, мен рақсга тушдим. Тасмага туширилди, аммо ўзимга ёқмади. Режиссёрга ҳам, Комилжон акага ҳам айтдим, очиқ ҳавода, гуллар орасида суратга туширайлик, деб такрор-такрор таклиф киритдим. Шунда Хастимомдаги мадраса, мачитни кўриб келишди. Узоқдан катта чиройли эшикдан чиқиб келадиган, қўшиқни эшитиб рақс тушадиган бўлдим. Эртадан кечгача суратга олишди. Ўша дақиқаларнинг ҳаммаси тасмага муҳрланмаганига ачинаман. Фақат Комилжон Отаниёзовнинг овози-ю, менинг рақсим ёзиб олинди. Аҳён-аҳёнда телевидениеда ўша филм-концерт кўрсатиб турилади.

Хизмат кўрсатган артист Севилия Тенгуриеванинг бу ҳикоясини тинглаб, саволга ҳозирландим.

— Хонанданинг қандай фазилатлари ёдингизда қолди?

— Маданияти! Ашула айтиш, юриш-туриш маданияти менга жуда маъқул бўлди. Фақат ташқи кўринишигина эмас, балки ички маданияти ҳам сезилиб туради. Аёлларга бўлган муносабатида, қўшиқ тинглашларида ҳам, қўлларига торларини олиб чалишларида, ижод дамларида ҳам нозик табиатлари, ўткир зеҳнлари кўриниб турарди. Аслида гўзалликни мадҳ этадиган, уни тарғиб этадиган санъаткор шундай бўлиши керак-да!...

Хонанданинг Урганчдаги уйларига борганимизда эса деворга осиғлик тор бу гал жимгина турганини, магнит тасмасидан янграётган барчамизга таниш ашулани эшитиб, бизга пешвоз чиққан Умсиной аяни кўриб ҳам севиндик, ҳам кўзимизга ёш олдик. Соз эгасиз қолганидан, ҳамиша таранг тортилган торлар бўшашиб қолганидан, ҳофизнинг овози бор-у, ўзи йўқлигидан, Умсиной аянинг дуоларидан таъсирландик. Барчамизни ҳаяжон қучди. Ўша машҳур созни қўлга олиб, Комилжон ака сингари қалбимизга босдик. Шунда эгасини соғинган тор тилга киргандек, ҳофизнинг жўшқин ҳаракатлари, жарангли овозини эслатгандек бўлди.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

# ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Фарғона шаҳрида теннис бўйича халқаро «Челенжер» турнири бошланди. Еттинчи бор ўтказилаётган ушбу нуфузли турнирда Дания, Финландия, Швеция, Япония, Полша, Жанубий Африка республикаси, Словакия, Таиланд, Покистон, Словения, Индонезия, Венесуэлла, АҚШ, Италия, Австралия, Россия ва Украина каби йигирмага яқин мамлакатлардан келган 32 нафар сара теннисчи мукофот фонди 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган соврин учун ўзаро куч синашади.

Турнирда ушбу беллашувларнинг 1999 йилги ғолиблари бўлган белоруссиялик Александр Швец, россиялик Артем Дерепаско, Денис Голованов ва ҳамюртимиз Игор Куценко сингари маҳоратли ракетка усталари билан бир қаторда ёш, иқтидорли теннисчиларнинг иштироки ғолиблик учун бўладиган баҳслар осон кечмаслигини кўрсатиб турибди.

Айни пайтда халқаро турнирнинг дастлабки саралаш баҳслари бўлиб ўтди. Унда россиялик теннисчи Артем Дерепаско даниялик Кристин Плессани доғда қолдирган бўлса, япониялик Терачи Такахиро ҳамюрти Яуки Ишивадан устун келди. Ўзбекистонлик Эмин Агаев қозоғистонлик Алексей Кедрикка нисбатан ҳар томонлама кучли спортчи эканлигини амалда намоён қилди.

Мусобақалар эртага давом этади.

### *Истиқлол берган имкон*

***Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ҳозир АҚШдаги ўндан ортиқ олий ўқув юрти ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Колумбия, Мериленд, Калифорния университетлари билан илмий алоқалар йил сайин кенгайиб бормоқда.***

# ДЎСТЛАРГА ОЧИЛГАН ЭШИК

Иқтисодчи олимларимиз бир гуруҳи яқинда Нью-Йорк университетида бўлиб, курс дастурлари бўйича ташкил этилган машғулотларда қатнашди. Университет Президенти Рожер Бовен билан бўлган мулоқот чоғида делегация аъзолари бу нуфузли олий ўқув юрти илмий-педагогик фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

Тўрт ой давом этган ўқув жараёни давомида олий ўқув юрти «Бизнесни бошқариш» факультетида ҳам давра суҳбатлари уюштирилди. Университетнинг тил марказидаги сабоқлар ҳам фойдали бўлди.

Бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва маркетинг бўйича талабалар уюшмаси иш тажрибаси, шунингдек, «Очиқ эшиклар» кунида талабалар, бизнесменлар билан учрашув унутилмас таассурот қолдирди.

Ўз навбатида Тошкент иқтисодиёт университетидан борган профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар учун ўқув машғулотлари ташкил этилди. «Бизнесни бошқариш» факультетида ўтказилган сабоқларда Ўзбекистонда иқтисодий таълимнинг бугунги жараёнлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Ўзбек халқ маданияти ва санъати тўғрисида ҳам мулоқотлар мезбонлар эътиборини тортди.

Эндиликда Тошкент иқтисодиёт университетида бой тажрибалар асосида инглиз тилида «Бизнесни бошқариш» йўналиши бўйича ўқув машғулотлари йўлга қўйилди. Олий ўқув юрти магистратурасида амалга оширилаётган бундай таълимий жараён ўқитишни жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш имконини беради.

Америка сафари чоғида ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида ўқув-услубий ишлар бўйича ҳамкорлик шартномаси тузилди. Ўзаро келишувга кўра Америка делегацияси Ўзбекистонда бўлиб, Тошкент Иқтисодиёт университети иш тажрибаси билан танишади.

**А.АЛИЕВ.**

### *Касаба уюшма спорти*

## ИСТЕЪДОДЛАР СОНИ ОШМОҚДА

Яқинда Хонобод шаҳрида ажойиб бир мусобақа бўлиб ўтди. Андижон вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкиллаштирган бу баҳсда 160 дан зиёд ёш боксчилар иштирок этдилар. Енгил вазндаги «чарм қўлпоқ» ҳаваскорлари тўрт кун давомида муросасиз кураш олиб боришди. Ўз вазн тоифаларида С.Сотволдиев, А.Холдоров, М.Йўлдошев, А.Зокиров, Ш.Акбаровлар биринчи ўринларни эгалладилар.

— Турнир ушбу спорт турида кўплаб ёш истеъдодлар етишиб чиқаётганини кўрсатди,— деди мусобақа бош ҳаками С.Сиддиқов. — Улардан келгусида уста боксчилар чиқишига ишончим комил.

## БОШ СОВРИН ХЎЖАОБОДЛИКЛАРДА

Андижонда белбоғли кураш анча оммалашган спорт турларидан ҳисобланади. Байрам, тўй-томошалар курашсиз ўтмайди. Айниқса, мазкур спорт тури билан ёшларнинг жиддий шуғулланаётганлиги қувонарли ҳол.

Шаҳрихондаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган мусобақага деярли барча туман ва шаҳарлардан ўнлаб курашчи ўсмирлар ташриф буюрдилар.

Ниҳоятда қизғин ўтган турнир бош соврини хўжаободлик ёш полвонларга насиб этди.

**М. АБДУКАРИМОВ.**

***Республика таълим марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Жозибадор табассум» дастури асосида ўсмир қизлар ўртасида танлов ўтказилди.***

## «ЖОЗИБАДОР ТАБАССУМ»

— Соғлом ва чиройли тишлар фарзандларимизнинг бойлигидир, деди «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Ойниса Мусурмонова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу эса ўз-ўзидан бўладиган нарса эмас. Болаларни гўдаклигидан тишларига эътибор бериш, оғиз бўшлиғини асраб-авайлашга ўргатиш билан бунга эришишимиз мумкин. Бу борада ишлаб чиқилган «Жозибадор табассум» дастуримиз мураббийлар ва отаоналарга яқиндан ёрдам беради.

Жамғарма келажак авлод саломатлигини асраш ва таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва АҚШнинг «Procter & Gamble» компанияси билан ҳамкорлик асосидаги тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўтказилган танловда республикамизнинг турли бурчакларидан энг зукко ўқувчилар иштирок этишиб тошкентлик Светлана Аҳмедова биринчи, Урганч шаҳридан Бобур Жуманиёзов иккинчи, Нукус шаҳридан Мадина Мадаминовалар учинчи ўринни эгалладилар.

# РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

### *Кўрик-танлов*

Фарғона вилоят мактабдан ташқари муассасалар марказида ўтказилган иқтидорли болалар анжуманида шаҳар ва туманларида ғолиб бўлган ижодкор ёшлар қатнашди.

Иқтидорли ўқувчилар экология, миллий-маданий, санъат ва техника-ижодкорлиги бўйича ўзлари яратган ижодий ишларини намойиш этишди.

Танловда техник йўналиш бўйича Қўқондаги 4-умумтаълим мактаб ўқувчиси Акмал Мирзаев, Фурқат туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Азизбек Тўйчиев, ёш қаламкашлардан — Марғилондаги 9-мактаб ўқувчиси Машҳура Абдусатторова, Фурқат туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Муҳаббат Саттарова, тасвирий санъат бўйича Фарғона туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Асқаржон Тешажонов, халқ ҳунармандчилиги бўйича — Тошлоқ туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Мансур Шерматов каби иқтидорли ўқувчиларнинг ишлари юқори баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон туманидаги 10-мактаб, Учкўприк туманидан 38-мактаб, Риштон, Бувайда туманларининг болалар ва ўсмирлар ижодкорлик мактаблари намойиш этган нақшлик, ёғоч ўймакорлиги, халқ амалий санъати, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат асарлари ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Миллий, маданий санъат йўналиши бўйича 8 нафар, техник ижодкорлик ва экология йўналишлари бўйича 4 нафар ғолиб ўқувчилар аниқланиб, республика босқичига йўлланма олишди.

**А.ТЎХТАСИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

### *Жаҳон чемпионати: еттинчи гуруҳ*

# ҒАЛАБА ҲАМИША ЁҚИМЛИ

Шундай қилиб, бизни қатор ҳаяжонли дақиқаларга ошно этган саралаш турнирининг биринчи босқичи поёнига етди. Таъкидлаш жоизки, турнир Ўзбекистон терма жамоаси қайта оёққа тураётганининг ўзига хос намойишига айланди. Гарчанд ҳали ўйин мазмунида мухлисларни ранжитувчи ҳолатлар анчагина эса-да, бир нарсани бемалол эътироф этмоқ мумкин. Ҳарқалай жамоа шаклланмоқда, таъбир жоиз бўлса, ўзбекистонлик футбол шинавандалари қўшалоқ ғалабаларни кутишга, талаб қилишга ва шундай ҳол юз бермаган асноларда гиналашга арзигулик жамоа туғилмоқда!

Албатта, ғалаба ҳамиша ёқимли бўлади. Биз юқоридаги илиқ фикрларни ниҳояланган турнир нашъу намоси ила илҳомланган кўйи бироз муболаға аралаш айтиб юбораётган бўлсак ҳам ажаб эмас. Мухлис сифатида бунга ҳаққимиз ҳам бор. Тўғриси, биз бундай шодиёна ва дилга таскин берувчи онларни анча соғиниб қолган эдик. Нима бўлганида ҳам Жаҳон чемпионати томон биринчи муҳим қадам қўйилди.

Ўзбекистон терма жамоаси ўтказилган олтита учрашувнинг бирортасини бой бермаганлиги, рақиблар дарвозасини энг кўп ишғол қилиб, ўз дарвозасидан энг кам миқдорда тўп олиб чиққанлиги, дарҳақиқат, унинг бугунги нуфузини белгилайди. Ҳатто буни турнирдаги охирги ўйин ҳам тасдиқдан ўтказгандек бўлди. Иордания билан кечган учрашувда футболчиларимизнинг осойишта, ярим куч билан майдонда ҳаракатланишларини эса бу баҳс натижасининг якуний жадвалга таъсири йўқлиги билангина изоҳлаш мумкин. Биринчи бўлимдаги «кўча ўйин» зарурат туғилгач, иккинчи бўлимда ўзига хос мазмун моҳиятга эга бўлиши ҳам бугунги таркибнинг салоҳиятидан далолатдир. Ҳисоб — 1:1.

Ғолиблик учун имкониятни йўқотган туркманистонлик футболчилар ҳам Хитой Тайпейи ҳудудий жамоасига қарши хотиржам тўп сурдилар. Учрашув тақдирини қўшниларимиз томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

### Якуний жадвал

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Ўзбекистон** | **6** | **4** | **2** | **0** | **20-5** | **14** |
| 2. Туркманистон | 6 | 4 | 0 | 2 | 12-7 | 12 |
| 3. Иордания | 6 | 2 | 2 | 2 | 12-7 | 8 |
| 4. Хитой Тайпейи | 6 | 0 | 0 | 6 | 0-25 | 0 |

Осиё қитъасидаги мавжуд гуруҳларда ғолиб чиққан 10 та жамоа ўртасида Жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи иккинчи босқич ўйинлари август, эҳтимолки, куз фаслининг бошларида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

## «ОҚ ОЛТИН» — «ЕС» САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМОА КОРХОНАСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***«Оқ олтин» — «ЕС» савдо-ишлаб чиқариш жамоа корхонаси акциядорларининг умумий йиғилиши 2001 йил 8 июн соат 11да «Навоий» шаҳар савдо ярмаркаси («Саламандер — Ўзсаламан») да бўлиб ўтади.***

**Кун тартибида қуйидаги масалалар кўрилади:**

1. «Оқ олтин» — «ЕС» савдо-ишлаб чиқариш жамоа корхонасининг 2000 йил бўйича молиявий фаолияти ҳисоботи.
2. Фойда тақсимоти.
3. Акциядорлик жамияти Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартишлар киритиш.
4. Жиззах шаҳридаги 2- база масаласи.

**Ташкилий қўмита.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири Герст Қурбонович ҒАФФАРОВга волидаи муҳтарамаси **Адолат ЮЛДАШОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6